**Қаттиқ ва суюқ маиший чиқинди ташиб чиқариш хизматини амалга ошириш учун контейнерлари бор ва контейнерлари бўлмаган юридик шахслар билан тузилган**

# ШАРТНОМА № 13

05.01 2022 йил Муборак туман

"Тоза худуд" ДУК Муборак туман филиали кейинги ўрнида "Ижрочи" номидан **Н.Бердиева** муассаса Низомига асосланиб иш юритувчи бир томондан ва " УЗВЧ. кейинги ўринларда "Истеъмолчи" рахбари Д.Н. Авлокулов муассаса Низомига ёки йурикномасига асосланиб фаолият юритувчи куйидаги шартномани имзоладилар:

## 1.ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1 Ушбу шартнома асосида "Ижрочи" ва "Истеъмолчи" ўртасида қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндиларни ташиб чиқариш хизмати кўрсатиш бўйича тўғридан – тўғри хўжалик алоқалари ўрнатилади.

-"Истеъмолчи" топшириғига кўра "Ижрочи" қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндиларни ташиб чиқариш ва йиғиш хизмати мажбуриятларини олади. Хизматлар қуйидаги манзилга: Муборак тумани хафтасига 3 марта ____ дона контейнерда (хажми 750л, 1100л, 20м3 кераклисининг тагига чизилади) "Истеъмолчи" худудидан олиб чикиб кетилади. Бунда "Истеъмолчи" килинган ишлар юзасидан йул варакасига ёки Буюртманомага белги қўяди. (Контейнерлар мавжуд юридик шахслар учун).

- "Истеъмолчи" топшириғига кўра чиқинди йиғиш майдончасидан "Ижрочи" шартномага илова килинган манзилдан қаттиқ ва суюқ маиший чикиндиларни йиғиш ва ташиб чиқариш хизмати мажбуриятини олади.

- "Истеъмолчи" кўрсатилган хизматлар учун тўловларни амалга ошириш мажбуриятини олади. (контейнерлари бўлмаган юридик шахслар учун)

- "Истеъмолчи " топшириғига кўра "Ижрочи" КМЧ махсус автотранспорт воситасида "Истеъмолчи" худудидаги манзилдан КМЧ олиб чикариш хизматини амалга оширади.

- Бунда "Истеъмолчи" бажарилган ишлар натижаси хакида йўл варакасига белги қўяди.

1.2 Умумий йиғилган маиший чиқиндилар бир ойда 621 м куб бир йилда 51,75 м куб "Ижрочи" "Истеъмолчи" дан алохида тўловлар асосида кўшимча хизматлар олишга хакли эмас.

## 2 КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАР УЧУН ХИСОБ КИТОБ ТАРТИБИ.

2.1 Каттик Маиший чиқинди ташиб чиқариш тарифи 1 м куб учун 40000 сўм ҚҚС билан

2.2 Суюк Маиший чикинди ташиб чикариш тарифи 1 м куб учун 48000 сум ҚҚС билан

2.3 Шартноманинг асосан умумий суммаси 24840000 (Йигирма тўрт миллион саккиз юз ...) сум 00 тийини, микдори ___м куб ташкил этади.

Тарифлардаги ўзгариш хакида «Ижрочи» бу хакда «Истеъмолчи» га ОАВ оркали кучга киришидан 15 кун олдин хабар беради.

2.4 "Истеъмолчи" хизмат хақини 30% ни олдиндан тулайди, колган 85% суммани ишлар бажарилганлиги тугрисидаги хужжатга асосан тўлаб беради.

2.5 Тўлов хисоблари тариф буйича харакатдаги давр хисобида олинади.

2.6 Ташкилотнинг юридик манзили, номи, хисоб раками ўзгарганда ёки маиший чикинди ташиш хажми ўзгарганда томонлар бир–бирларига бу хакда 10 кун ичида ёзма равишда билдиришлари талаб килинади.

2.7 Каттик маиший чикинди ташиб чикариш сифатсиз бўлса, кечикишлар содир бўлса, шу давр учун тўлов хаклари камайтирилади,

2.8 Хизмат кўрсатилмаса, ёки сифатсиз хизмат курсатилса "Истеъмолчи" ва "Ижрочи" вакили билан биргаликда у хакда далолатнома тузилади ва имзоланади.

-Бу далолатнома тўлов тарифларини кайта хисоблаш ва "Ижрочи"нинг мажбуриятларини бажармаганлиги туфайли жарима тўлашга асос бўлади.

-"Истеъмолчи" нинг хаёти соғлиги ва мулкига зарар етказилса бу хакда томонлар билан биргаликда исботланган зарар хакида далолатнома тузилади.

-Далолатнома томонларнинг имзолари келтиилгач, юридик кучга эгадир.

-"Ижрочи" вакили бош тортган тақдирда у бу хакида ёзма равишда бош тортиш сабабини кўрсатиб ўтади. Акс холда "Истеъмолчи" суд қарори чиқмагунича тўловларни амалга оширмаслик хуқуқига эгадир.

## 3 ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

3.1 "Ижрочи" "Истеъмолчи"ни шартнома мажбуриятларига амал қилмаганда, қонунчиликда белгиланган тартибда жарималарни ундириб олишни талаб қилиш хуқуқига эгадир. "Ижрочи " меъёрий – хуқуқий хужжатларда белгиланган бошқа хуқуқларга хам эга.

3.1 "Ижрочи" мажбуриятлари.

-Маиший чиқиндиларни ташиб чиқаришни ташкил этиш.

-Шартномада кўрсатилган, қонунчиликда белгиланган талаблар асосида "Истеъмолчи" нинг қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндиларни ташиб чикаришни сифатли таъминлаш.

-"Истеъмолчи" буюртмаларини шартнома ва қонунчиликда белгиланган муддатда бажариш.

-Кўрсатилган хизматлар ва ўз вактида хисоб китобларни назорат килиш учун электрон тўлов тизимини жорий этиш.

-Кўрсатилган хизматар вақти ва сифатини назорат қилувчи "Истеъмолчи"ларнинг шикоятларини хисобга олиш китобни юритиш:

-"Истеъмолчи" аризасига кўра биноларнинг бузилиши натижасида хосил бўлган қурилиш чиқиндилари, агротехник хизматлар (дарахтларни кесишдаги чиқиндилар) учун алохида автотранспорт воситаси ажратиш.

-Чикинди сақлаш пунктлари, контейнерлар холати юзасидан доимий назорат ўрнатиш.

-"Истеъмолчи" аризасига кўра чиқиндиларни тўплаш учун керакли миқдорда контейнерлар билан таъминлаш.

-Инсон хаётига зарар етказувчи, бактерияларни кўпайтирувчи, табиатга зиён келтирувчи чиқиндилар тўпланиб қолишига йўл қўймаслик.

-Тўпланиб қолган чиқиндилар хисобини олиб бориш.
-Хизмат кўрсатиш тартиби ва тарифлар ўзгарганда абонент пунктларида эълонлар ёзиб осиб қўйиш шаклида ОАВ орқали “Истеъмолчи” га “Ижрочи” томонидан 15 кун олдин хабар беради.
-“Истеъмолчи”га хизмат кўрсатишнинг сифати бузилмаслигини олдини олиш чораларини ишлаб чиқиш:
-Хизматлар хақида, қарздорлик хакида бепул маълумотлар ва маълумотномалар бериш.
-Контейнерларни СанПин (Ўзбекистон Республикаси Сан Қ ва М №0297-11) талаблари даражасида дезинфекция қилиш:

3.2 “Истеъмолчи” хуқуқлари.

Ҳаётига ва соғлигига хавф солмайдиган ва мулкига зарар етказмайдиган сифатли хизматларни қабул қилишда:
-“Ижрочи” айби билан содир этилган хизматдаги камчиликлар учун жарима талаб қилиш:
-Хизмат кўрсатиш тартиблари ва тарифлари ўзгарганлиги хакида “Ижрочи”дан тўлиқ маълумотлар олиш, электрон тўлов тизими, қилинган ишлар хакида маълумотлар олиш:
-“Ижрочи” томонидан шартнома мажбуриятлари сифатсиз бажарилганда ёзма шаклда ёки **97 3176770** телефон оркали арз килиши, далолатномалар тузишини ва белгиланган вактда камчиликларни бартараф этишни талаб килиши:
-“Ижрочи” томонидан сифатсиз амалга оширилган хизматлар учун судга шикоят киритиш:
-Шартнома асосида меъёрий - хукукий хужжатлар оркали бошка хукукларга эга:

3.3“Истеъмолчи” мажбуриятлари.

-Шартнома шартларини бажариш:
-Қаттиқ маиший чиқинди омборларида қурилиш чиқиндилари билан маиший чиқиндиларни аралаштириб юбормаслик ва уларни кенг габаритли автотранспорт воситаларида бошқа шартнома орқали чиқариб кетиш:
-Чиқинди тўплаш жойларини бутун сақлаш, тунги ёритчич асбоблари билан жихозлаш, техника харакатлари эркинлигини таъминлаш: **97 317 67 70** телефон оркали «Ижрочи»ни қаттиқ маиший чиқинди чиқариш графиги ўзгарганда ёки бузилганда хабардор этиш ва назорат қилиш:
-“Ижрочи” томонидан қилинган ишлар хажмини мухр ва имзо билан тасдиклаб бериш.
-Хар ой бошида ўтган ойда бажарилган хизматлар хакида далолатномалар тузиш:
-Хар ойда ўтган ойларда бажарилган хизматлар учун ўз вақтида тўловларни амалга ошириш:

## 4 ШАРТНОМА МАЖБУРИЯТЛАРИНИ ТЎЛИҚ БАЖАРИЛМАГАНИДА ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

4.1 “Истеъмолчи” жавобгарлиги:

-Шартнома мажбуриятларини тўлиқ ёки қисман бажармаганлиги учун :
-Қаттиқ ва суюқ маиший чиқинди ташиб чиқариш хизматлари учун ўз вақтида тўловни вақтида амалга оширмаганда:
-Шартнома кўрсатилган тартибда қаттиқ ва суюқ маиший чиқинди тўдаланиб қолишида :
Тўлов ўз вақтида амалга оширилмаганида “Истеъмолчи” “Ижрочига ” тўланмай қолган сумманинг хар кунига 0.4 % миқдорида пеня тўлайди, бироқ хизмат хакининг 50 % дан ошмаган микдорда.

4.2 “Ижрочи” жавобгарлиги:

-Қаттиқ ва суюқ маиший чиқинди ташиб чиқариш вақтини бузганда ва аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш чоралари кўрилмаганда:
-Хизмат кўрсатиш вақтини бузганда ва аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этмагандаги жарима тўловини пайсалга солганда :
-Фойдаланилаётган чиқинди тўплаш жойларининг ва контейнерларнинг техник холатига :

4.2.1 Хизматлар кўрсатилмаганда “Ижрочи” “Истеъмолчига ” хизмат хакининг 0.5 % миқдорида хар бир ўтказиб юборилган куни учун пеня тўлайди. Пеня тўлави “Ижрочи”ни шартнома мажбуриятларини бажаришидан озод этмайди .

## 5 ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ.

5.1 Шартнома 05.01.2022 йилдан 31.12.2022 йилгача амал қилади.
5.2 Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида сохага оид ўзгаришлар бўлганда, томонлар келишув оркали ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш мумкин.
5.3 Томонлардан бирининг таклифи билан хизматлар қайта кўриб чиқилиши ёки рад этилиши хакида охирги бир ой ичида аризалар тушмаса, шартнома кейинги йил га хам узайтирилади.
5.4 Мазкур шартнома икки нусхада тузилади ва бир хил кучга эгадир.

| ВИЗАЛАР | | |
|---|---|---|
| ФИШ | мансаби | имзо |
| Кенжаев Н.А. | ХИЧХТО командири | |
| Зойиров З.Э. | Бош хисобчи | |
| Рахмонов Б.Я. | Хукукшунос | |

## 6 НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ.

6.1 Томонлар ўртасида келишмовчиликлар музокара йўли билан хал қилиб бўлмаса улар қонун хужжатларида белгиланган тартибда хал қилинади.

## ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ.

**“Ижрочи”**

“Тоза худуд” ДУК Муборак туман филиали

Манзил : Муборак тумани

Тел: 99 343 85 79

Х/р:22604000000783206010

Ипотека банк Қашкадарё филиали

МФО: 00190

ИНН: 304937508

Филиал рахбари Н.Бердиева

**”Истеъмолчи”**

________________________

________________________

Рахбар

**QASHQADARYO VILOYATI EKOLOGIYA VA ATROF-MUHITNI MUHOFAZA QILISH BOSHQARMASI**

**QASHQADARYO VILOYATI “TOZA HUDUD” DAVLAT UNITAR KORXONASI**

180100, Qarshi sh, Jayhun kuchasi, 5-uy. tel.: 75-221-09-59, 75-221-23-18 faks: 75-221-09-59
Veb-sahifa:http:// www.ecokash.uz, elektron pochta:karshi@uznature.uz

2022 yil “11” Январ №01-11/2716 Qarshi sh.

## ИШОНЧНОМА

Қашқадарё вилояти экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси “Тоза ҳудуд” давлат унитар корхонасининг Муборак тумани филиали бошлиғи Бердиева Нодира Ураловна (АС 2358532, 30.10.2019 йилда Муборак тумани ИИБ томонидан) га келгусида корхонанинг Муборак тумани филиали манфаатларини кўзлаб юридик ва жисмоний шахслар билан шартномалар тузищ, тузилган шартномалар бўйича шартномавий муносабатлар муносабатлар доирасида судга шикоят қилиш, аризаларни имзолаш, ижро варақасини ундирувга тақдим этиш ваколатларини бериб, ушбу ишончномани тақдим этади.

Ишончноманинг муддати олти ой.

Ишончнома алоҳида ҳолларда, яъни ишончнома берувчининг ташаббуси билан бир томонлама бекор қилиниши мумкин.

**Қашқадарё вилояти “Тоза ҳудуд”**
**ДУК директори** **С.Суюнов**

"ТАСДИҚЛАЙМАН"
Вилоят ҳокими
З.Руизев
2018 йил 20 ноябр

**Қашқадарё вилоят "Тоза Ҳудуд" ДУК 2019 йил қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш хизмат**
**КАЛЬКУЛЯЦИЯСИ**

| Т/Р | Кўрсаткичлар номи | Ўлчов бирлиги | Жами вилоят бўйича | Шу жумладан туманлар | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | "Тоза худуд" Ғузор филиали | "Тоза худуд" Деҳқонобод филиали | "Тоза худуд" Қамаши филиали | "Тоза худуд" Карши филиали | "Тоза худуд" Косон филиали | "Тоза худуд" Китоб филиали | "Тоза худуд" Миришкор филиали | "Тоза худуд" Муборак филиали | "Тоза худуд" Нишон филиали | "Тоза худуд" Касби филиали | "Тоза худуд" Чирокчи филиали | "Тоза худуд" Шаҳрисабз филиали | "Тоза худуд" Яккабоғ филиали |
| | Махсус техникалар сони | Бирликда | 114 | 7 | 6 | 11 | 8 | 8 | 9 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 13 | 12 |
| I. | Қамраб олиш | | | | | | | | | | | | | | | |
| | жумладан | | | | | | | | | | | | | | | |
| | Аҳоли сони | минг киши | 946,80 | 60,727 | 45 601 | 84,950 | 71,091 | 76,364 | 80,156 | 43,818 | 69,091 | 60,818 | 61,727 | 80,636 | 120,182 | 91,636 |
| | Юридик корхоналар сони | бирликда | 2 234 | 145 | 90 | 205 | 145 | 165 | 166 | 95 | 225 | 160 | 135 | 145 | 335 | 223 |
| | Тарифлар | | | | | | | | | | | | | | | |
| | Аҳоли учун | бир киши бир ойда | 2 500,0 | 2 500,0 | 2 500,0 | 2 500,0 | 2 500,0 | 2 500,0 | 2 500,0 | 2 500,0 | 2 500,0 | 2 500,0 | 2 500,0 | 2 500,0 | 2 500,0 | 2 500,0 |
| | Юридик шахс | сўм м 3 | 40 000,0 | 40 000,0 | 40 000,0 | 40 000,0 | 40 000,0 | 40 000,0 | 40 000,0 | 40 000,0 | 40 000,0 | 40 000,0 | 40 000,0 | 40 000,0 | 40 000,0 | 40 000,0 |
| | Хизмат кўрсатиш ҳажмлари натурал кўрсаткичда - жами | минг м3 | 391,9 | 25,2 | 18,7 | 35,2 | 29,1 | 31,4 | 32,9 | 18,0 | 29,3 | 25,4 | 25,4 | 32,8 | 50,4 | 38,0 |
| | Шундан | | | | | | | | | | | | | | | |
| | Аҳоли учун | минг м3 | 365 | 23,4 | 17,6 | 32,8 | 27,4 | 29,4 | 30,9 | 16,9 | 26,6 | 23,4 | 23,8 | 31,1 | 46,3 | 35,3 |
| | Юридик шахс | минг м3 | 27 | 1,7 | 1,1 | 2,5 | 1,7 | 2,0 | 2,0 | 1,1 | 2,7 | 1,9 | 1,6 | 1,7 | 4,0 | 2,7 |
| | | | | | | | | | | | | | | | | |
| II. | Хизмат кўрсатишдан тушган тушум | минг сум | 29 476 230 | 1 891 410 | 1 411 230 | 2 646 900 | 2 202 330 | 2 370 120 | 2 484 360 | 1 360 140 | 2 180 730 | 1 901 340 | 1 916 610 | 2 488 680 | 3 766 260 | 2 856 120 |
| | Аҳолидан | минг сум | 28 403 910 | 1 821 810 | 1 368 030 | 2 548 500 | 2 132 730 | 2 290 920 | 2 404 680 | 1 314 540 | 2 072 730 | 1 824 540 | 1 851 810 | 2 419 080 | 3 605 460 | 2 749 080 |
| | Юридик ташкилот ва корхоналар | минг сум | 1 072 320 | 69600 | 43200 | 98400 | 69600 | 79200 | 79680 | 45600 | 108000 | 76800 | 64800 | 69600 | 160800 | 107040 |
| | | | | | | | | | | | | | | | | |
| III. | Ишлаб чиқариш харажатларига жами | минг сум | 21 809 243,0 | 1 473 620,8 | 1 123 776,4 | 1 728 264,9 | 1 686 833,5 | 1 759 631,7 | 1 884 720,3 | 1 063 325,2 | 1 757 955,2 | 1 493 786,8 | 1 270 927,9 | 1 796 607,5 | 2 777 071,3 | 1 992 721,6 |
| | жумладан: | | | | | | | | | | | | | | | |
| | Дизель ёкилғиси | минг сум | 2 190 786 | 156 173 | 78 219 | 0 | 112 250 | 186 533 | 283 362 | 80 988 | 181 763 | 273 362 | 96 421 | 355 027 | 314 651 | 72 039 |
| | Сиқилган газ | минг сум | 1 225 040 | 100 955 | 109 036 | 122 424 | 135 670 | 113 620 | 148 134 | 5 438 | 97 843 | 12 326 | 23 000 | 45 938 | 206 377 | 104 279 |
| | Автошиналар | минг сум | 727893,2 | 50667,5 | 44841,2 | 79589,4 | 52367,8 | 46243,7 | 82568,0 | 28065,4 | 42989,5 | 44163,8 | 41159,3 | 51979,2 | 93350,4 | 69908,0 |

| | | | | | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Мехнат харажатлари (иш хақи) | минг сўм | 7 357 878 | 496 074 | 363 482 | 648 075 | 448 282 | 642 887 | 607 224 | 409 153 | 581 200 | 481 962 | 505 422 | 562 896 | 922 678 | 688 543 |
| | Ягона ижтимоий тулов | минг сўм | 1 839 470 | 124 018 | 90 870 | 162 019 | 112 070 | 160 722 | 151 806 | 102 288 | 145 300 | 120 491 | 126 356 | 140 724 | 230 670 | 172 136 |
| | Амортизация ажратмалари | минг сўм | 6 818 794 | 444 272,4 | 382 165,2 | 535 416,7 | 700 702,9 | 503 217,0 | 502 556,8 | 373 848,4 | 625 124,0 | 460 565,2 | 348 340,2 | 472 967,3 | 777 131,5 | 692 486,4 |
| | Махсус кийим-бош харажатлари | минг сўм | 169 546 | 9300 | 7068 | 12276 | 8928 | 10925 | 14858 | 9177 | 11799 | 13984 | 11799 | 17043 | 18791 | 23598 |
| | Метан газ ускунасини урнатиш (суммасини кайтариш) | минг сўм | 480 087 | 16750,0 | 1500,0 | 92250,0 | 28500,0 | 42750,0 | 12250,0 | 1500,0 | 4349,1 | 10250,0 | 61987,5 | 46500,0 | 85500,0 | 76000,0 |
| | **Жорий ва мукаммал таъмирлаш харажатлари** | минг сум | 981 288 | 74 660 | 46 295 | 73 065 | 87 163 | 51 384 | 80 311 | 52 568 | 67 135 | 76 233 | 54 485 | 101 434 | 125 223 | 91 333 |
| | Бошка харажатлар | минг сўм | 18 461 | 750 | 300 | 3 150 | 900 | 1 350 | 1 650 | 300 | 453 | 450 | 1 958 | 2 100 | 2 700 | 2 400 |
| IV. | **Зарур фойда микдори** | минг сум | 7 666 987 | 417 789 | 287 454 | 918 635 | 515 497 | 610 488 | 599 640 | 296 815 | 422 775 | 407 553 | 645 682 | 692 073 | 989 189 | 863 398 |
| V. | **Давр харажатлари** | минг сўм | 4 482 065 | 250 791 | 189 661 | 584 281 | 283 497 | 353 131 | 335 640 | 184 279 | 216 338 | 211 686 | 417 653 | 412 990 | 535 611 | 506 507 |
| | шу жумладан | | | | | | | | | | | | | | | |
| | **Маъмурий харажатлар** | минг сўм | 3 734 961 | 218 660,1 | 174 366,9 | 463 081,8 | 241 190,4 | 291 545,9 | 273 702,6 | 174 366,9 | 201 700,1 | 193 402,6 | 342 541,7 | 331 773,6 | 428 690,2 | 399 938,0 |
| | **Бошкарув ходимлар иш хакиси** | минг сум | 1 669 932 | 123 947,1 | 123 947,1 | 135 936,5 | 123 947,1 | 129 729,0 | 129 729,0 | 123 947,1 | 135 936,5 | 123 947,1 | 123 947,1 | 123 044,9 | 135 936,5 | 135 936,5 |
| | Ягона ижтимоий тулов (25%) | минг сум | 417 483 | 30 987 | 30 987 | 33 984 | 30 987 | 32 432 | 32 432 | 30 987 | 33 984 | 30 987 | 30 987 | 30 761 | 33 984 | 33 984 |
| | Бошка харажатлар | минг сўм | 1 647 546 | 63 726,2 | 19 433,1 | 293 161,1 | 86 256,5 | 129 384,7 | 111 541,4 | 19 433,1 | 31 779,4 | 38 468,7 | 187 607,9 | 177 967,4 | 258 769,5 | 230 017,3 |
| | **Бошка маъмурий харажатлар** | минг сўм | 747 105 | 32 130,7 | 15 294,3 | 121 198,9 | 42 306,9 | 61 585,3 | 61 937,6 | 9 912,3 | 14 637,5 | 18 283,5 | 75 111,5 | 81 216,3 | 106 921,0 | 106 568,8 |
| | шу жумладан | | | | | | | | | | | | | | | |
| | Юкори турувчи ташкилотга ажратма | минг сўм | 508 199 | 20400,7 | 7160,3 | 88932,9 | 28980,8 | 43471,2 | 40631,5 | 3410,3 | 7091,2 | 10740,4 | 50533,3 | 55121,9 | 74442,5 | 77282,2 |
| | Алока харажатлари | минг сум | 100 428 | 4080,0 | 1632,0 | 17136,0 | 4896,1 | 7344,1 | 8976,1 | 1632,0 | 2465,1 | 2448,1 | 10649,2 | 11424,4 | 14688,5 | 13056,6 |
| | Сафар харажатлари | минг сум | 7 384 | 300,0 | 120,0 | 1260,0 | 360,0 | 540,0 | 660,0 | 120,0 | 181,3 | 180,0 | 783,0 | 840,0 | 1080,0 | 960,0 |
| | Бошка харажатлар | минг сум | 131 093 | 7 350 | 6 382 | 13 870 | 8 070 | 10 230 | 11 670 | 4 750 | 4 900 | 4 915 | 13 146 | 13 830 | 16 710 | 15 270 |
| VI. | **Жами харажатлар** | минг сум | 27 169 506 | 1 724 412 | 1 335 114 | 2 447 614 | 2 020 708 | 2 184 578 | 2 293 968 | 1 262 267 | 1 993 830 | 1 728 671 | 1 776 839 | 2 304 644 | 3 436 313 | 2 621 067 |
| | **Даромад солиги жами** | минг сум | 496 008,5 | 33 959,8 | 17 773,9 | 43 594,3 | 35 714,7 | 38 105,0 | 38 783,0 | 20 864,8 | 44 028,0 | 36 080,2 | 29 732,6 | 36 004,4 | 71 753,6 | 49 614,3 |
| | **Фойда солик** | минг сум | 281 545 | 20 039,8 | 9 133,9 | 23 914,3 | 21 794,7 | 22 265,0 | 22 847,0 | 11 744,8 | 22 428,0 | 20 720,2 | 16 772,6 | 22 084,4 | 39 593,6 | 28 206,3 |
| | Бошка солик (ККС) | минг сум | 214 464 | 13920,0 | 8640,0 | 19680,0 | 13920,0 | 15840,0 | 15936,0 | 9120,0 | 21600,0 | 15360,0 | 12960,0 | 13920,0 | 32160,0 | 21408,0 |
| | **Соф фойда** | минг сум | 1 850 196 | 133 039 | 58 342 | 155 691 | 145 908 | 147 437 | 151 609 | 77 008 | 142 872 | 136 588 | 110 039 | 148 032 | 258 193 | 185 438 |
| | **Рентабеллик даражаси** | % | 8,5 | 9,0 | 5,2 | 9,0 | 8,6 | 8,4 | 8,0 | 7,2 | 8,1 | 9,1 | 8,7 | 8,2 | 9,3 | 9,3 |

**"Киритилди"**
"Тоза худуд" ДУК
директори ____________ С.Юлдошев

**"Келишилди"**
Вилоят экология ва атроф-мухитни мухофаза
қилиш бошкармаси
бошлиғи ____________ Г.Ибрагимов

**"Келишилди"**
Вилоят молия Бош бошкармаси
бошлиғи: ____________ А.Шукуров